



# ҚҚДУ ҲУЗУРИДАГИ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

2021

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

## *ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР*

М. Сейтимбетов | т.ф.н., доцент

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК  
ЖАРАЁНЛАР” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши:** Ўзбекистон тарихи

**Тингловчилар контингенти:** Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари

**Нукус – 2021**

Модулнинг ўқув услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:** М.Сейтимбетов – тарих фанлари номзоди, доцент

**Такризчилар:** М.А.Қарлыбаев – т.ф.н., катта илмий ходим.  
Ўзбекистон фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоқ гуманитар фанлар ИТИ директори муовини.  
Б.Қошанов – тарих фанлари доктори, профессор

Ўқув-услубий мажмуа Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-методик кенгаши (2020 йил “30”-декабрдаги 5-сонли баённомаси).

## МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	12
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	18
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	45
V.	КЕЙСЛАР .....	46
VI.	ГЛОССАРИЙ .....	48
VII.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	54
VIII.	ТАҚРИЗЛАР.....	61

# І. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

### І. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модулининг мақсади:** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модулининг вазифалари:**

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

– Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини;

- Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнларнинг тарихий илдизларини;

– Республикани янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини;

- Мустақил Ўзбекистондаги тарихий-демографик жараёнларни билиши керак.

**Тингловчи:**

– Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири, Ватанимиз нақадар қадимий ва бой тарихга эга эканини, бу тарихнинг яратувчиси, унинг

хақиқий эгаси ҳам шу заминда яшаётган халқ эканини англаб тарихий тафаккурга эга бўлиш, тарихий ҳақиқатни бугунги кун билан солиштириш, таҳлил қила билиш;

- ўз она юртини дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб билиш ва ундан ғурурланиш ҳиссига эга бўлиш ва буни ўзининг амалий ишларида намоён этиш;

- аждоларимизнинг тарихий меросни ўқиб-ўрганиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- тарихий воқеа ва ҳодисаларни таққослаш орқали улардан ўзи, жамият учун муҳим хулосалар чиқариш, бугунги эркин ва озод ҳаётнинг кадрига етиш;

- жамият тараққиётида халқнинг, сиёсий йўлбошчиларнинг ўрни ва аҳамияти нақадар катта эканини англаб, уларга ҳаққоний баҳо бериш, аксинча турли хавф-хатарларнинг бу борадаги зарарини тушунтира бера олиш, тарихий мисоллар асосида маърифий тарғибот юритиш, халқнинг савиясини оширишга интилиш;

- тарихий воқеалар ва ҳодисалар бўйича оғзаки ва ёзма нутқ орқали, адабий тил қоидалари асосида ўз нуқтаи назарини эркин ифода этиш, илмий асосланган, мустақил фикрига эга бўлиш ва уларга онгли муносабат билдира олиш малакаларига эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон тарихига оид масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш;

- ижтимоий фанлар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;

- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;

- Мустақил Ўзбекистондаги ислохотларнинг назарий концептуал асослари, инновацияларни таълим тизимига тадбиқ этилиши, янгича қараш ва ёндашувларга оид замонавий манбалардан фойдалана олиши, тарихий-демографик жараёнларни

таҳлил қила олиш олиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	Жумладан	
				Назарий	Амалий машғулот
1.	Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар фанига кириш	4	4	2	2
2.	Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар	4	4	2	2
3.	Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари	4	4	2	2
4.	Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар	6	6	2	4
	<b>Жами:</b>	18	18	8	10

### НАЗАРИЙ МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу:** Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар фанига кириш (2 соат)

#### Режа:

1. “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлар.



3. Тарихий демография – демографик жараёнларни ўрганувчи фан сифатида.

**2-мавзу:** Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар (2 соат)

**Режа:**

1. Демографик жараёнларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири.
2. Ўзбекистонда демографик соҳасида эволюцион жараёнлар.
3. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.

**3-мавзу:** Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари (2 соат)

**Режа:**

1. Урбанизация жараёнлари ҳақида тушунча.
2. Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида.
3. Меҳнат миграцияси.

**4-мавзу:** Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар (2 соат)

**Режа:**

1. Ўзбекистон - кўпмиллатли давлат.
2. Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби
3. Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат, унинг асосий тамойиллари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

**1-Мавзу:** Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар фанига кириш (2 соат)

**Режа:**

1. “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

2. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлар.
3. Тарихий демография – демографик жараёнларни ўрганувчи фан сифатида.

**2-Мавзу:** Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар (2 соат)

1. Демографик жараёнларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири.
2. Ўзбекистонда демографик соҳасида эволюцион жараёнлар.
3. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.

**3-Мавзу:** Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари (2 соат)

1. Урбанизация жараёнлари ҳақида тушунча.
2. Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида.
3. Меҳнат миграцияси.

**4-Мавзу:** Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар (4 соат)

1. Ўзбекистон - кўпмиллатли давлат.
2. Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби.
3. Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат, унинг асосий тамойиллари.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон ҳамжамияти. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг назарий асоси бўлган “ўзбек модели”нинг ҳамжамиятда тан олинishi.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда Мустақилликни элон қилинишидан бошлаб шу кунгача амалга оширилган ислохотларни асосчиси эканлиги. Жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларни тан олиши масаласи. Ўзбекистонни қолоқ аграр мамлакатидан ривожланган индустриал мамлакатга айланиши.

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъерий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

## Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Педагогик конфликтологияга оид мантларни таҳлил этинг ва ечим топинг (жуфтликлардаги иш).

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Этнос	(юнонча <i>ethnos</i> — қабила, элат, халқ) — одамларнинг маълум бир тарихий даврда ва ижтимоий тузумда таркиб топган алоҳида барқарор ижтимоий гуруҳи ёки уюшаси бўлиб, ҳудуди, маданияти, типичлиги, ҳўжалик турмуш хусусиятлари муштарак бўлади, ўзининг бирлиги ва бошқа шунга ўхшаш уюшмалардан фарқини англайди, яъни ўзлигини билади ва ўз номига эга бўлади.	
Ассимиляция	(лотинча <i>assimilatio</i> ) — ўхшашлик, айнанлик, қўшилиш, ўзлаштириш маъноларини билдиради. Бир халқнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари ва бошқа хусусиятларини йўқотиб, иккинчи халққа қўшилиб кетиши. Тарихдаги ассимиляция жараёнларида кўпинча маданий ривожланиш жиҳатидан илғор бўлган миллат устун бўлиб чиққан ва уларга қўшилган миллатлар мазкур	

	миллатнинг маданияти ва тилини, урф одатларини қабул қилган.	
Байналмилалчилик	(Интернационализм; арабча “байналмилала” — миллатлараро) — жаҳондаги барча миллат ва элат тенглиги, ҳамжихатлиги назарияси ва амалиёти.	
Интеграция	(лотинча “integratio” — ўзаро мослашиш ва бирлашиш) — миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашиши, бир- бирларига ўзаро таъсир этиши жараёнининг кучайиши.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб



чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар фанига кириш

1. “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлар.
3. Тарихий демография – демографик жараёнларни ўрганувчи фан сифатида.

**Таянч сўзлар:** аҳоли, ресурс, рўйхатга олиш, ёш, миллат, тил, маълумоти, демографик таҳлил.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурларини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йил 10 июндаги “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар” резолюциясига таяниб, аъзо давлатларни 2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури доирасида аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишга тааллуқли халқаро ва ҳудудий тавсияларни инобатга олган ҳолда камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказишни қатъий даъват этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳоли сонига, ёш-жинс таркибига кескин таъсир кўрсатган ўзгаришлар, республика ҳудудидаги аҳоли жойлашуви

хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар аҳолининг жорий ҳисобига оид мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастурини қўллаб-қувватлашни эътиборга олган ҳолда, шунингдек, аҳоли сонининг аниқ ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти, ҳаёт даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлаш мақсадида 2019 йил 5 феврал “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг (ПФ-5655-сон) Фармони қабул қилинди. 2020 йил 16 мартда «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Республикада мустақиллик йилларида аҳолини рўйхатга олиш тадбири илк бор ўтказилаётганлиги инобатга олиниб, тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида ҳукуматнинг тегишли қарори (№710, 11.11.2020й) билан, аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари ўтказилиши белгиланди.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири кенг қўламли, кўп вақт ва катта маблағ талаб этадиган тадбир бўлиб, уни ўтказиш учун 2-3 йил давомида тайёргарлик ишларини олиб бориш талаб этилиб, шунингдек, бугунги кунда кўпгина давлатлар коронавирус пандемияси туфайли аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш муддатларини кейинги йилларга кўчириш чораларини кўрмоқда. Масалан, Россия, Қозоғистон ва Арманистон аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини 2021 йилга кўчирган.

Ҳукумат қарори билан, яна қуйидагилар тасдиқланди:

- Ўзбекистонда 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом;

- Ўзбекистонда 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш дастури;
- Ўзбекистонда 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари рўйхати;
- Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом.

2. Тарихий манбалардан маълумки, аҳолини илк рўйхатга олиш қадимги Греция, Вавилон, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Мисрда ўтказилган. Бундан асосий мақсад одамлардан солиқ йиғиш, бож олиш ҳамда ҳарбий сафарбарлик учун уларнинг сонини аниқлаш бўлган. Шу боисдан рўйхатга олишда асосан эркаклар эътибор қаратилган.

Аҳолини энг биринчи расмий рўйхатга олиш 1790 йилда АҚШда, кейинчалик 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо бу аҳоли рўйхатлари жуда оддий шаклда ҳамда узоқ муддатга чўзилган. Масалан, АҚШда илк аҳолини рўйхатга олиш ишлари 18 ой давомида олиб борилган.

XIX асрга келиб, аҳолини рўйхатга олиш жуда кенгайди. Қатор Европа мамлакатларида статистика ташкилотлари тузилди. Аҳолини рўйхатга олиш илмий дастурлар асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 1870-1879 йилларда дунёнинг 48 та, 1890 йилларда эса 57 та давлатида аҳоли рўйхати ўтказилган. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, аҳолини рўйхатга олиш тизими янада такомиллаштирилди. 1945-1954 йилларда 151 та давлатда, 1965-1974-йилларда 179 та давлатда аҳоли рўйхати ўтказилган. Ҳозирги пайтда, дунёдаги деярли барча давлатларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда.

Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ўтказилган. Бу борадаги маълумотлар XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд

оилалар (ва аҳоли) сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тассаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон ҳудудида кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш қонун билан тартибга солинган. Масалан, Буюк Британияда 1920 йилда «Кўшма қиролликда аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Мазкур қонунда аҳолини рўйхатга олишнинг барча қоидалари, фуқаролар, уй хўжаликлари, корхоналар ва муассасаларнинг қайси тоифалари рўйхатга олиниши, аҳолини рўйхатга олишни ким ўтказиши, сўров варақалари қандай бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, аҳолини рўйхатга оладиган ҳисобчиларни ёллаш, уларнинг хизмат вазифалари ҳамда аҳолини рўйхатга олиш қоидалари кўрсатилган. Буюк Британияда ҳар галги аҳолини рўйхатга олишдан (Кўшма Қиролликда ҳар ўн йилда бир марта аҳоли рўйхатга олинади) тахминан бир йил аввал бунга доир алоҳида қонун ҳужжати қабул қилинади, бунда, албатта, 1920 йилги қонун ҳужжатиغا ҳавола қилинади).

АҚШда аҳолини рўйхатга олиш ишлари муҳим умумдавлат аҳамиятига эга тадбир сифатида қаралади. Унда барча аҳолининг иштирок этиши Америка демократияси амал этишининг зарур шarti, деб баҳоланади.

Польшада аҳолини рўйхатга олиш узоқ тарихга эга. Бу ерда мазкур тадбир Европада илк бор 1764 йилда ўтказилган. Мамлакатда ҳар 10 йилда аҳоли қайта рўйхатдан ўтади. «Аҳоли рўйхати тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, Польшанинг ҳар бир фуқароси руйхатга олиш жараёнида тақдим этиладиган сўровнома саволларига тўла ва ҳаққоний жавоб бериши шарт. Маълумот беришдан бош тортиш ҳуқуқий таъсир кўрилишига сабаб бўлади.

Эндиликда Ўзбекистонда ҳам 10 йилда камида бир марта аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади. Қонунга кўра рўйхатга олиш бутун Ўзбекистон ёки муайян ҳудудлар бўйича ўтказилиб, демографик сана ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий характеристикасини аниқлашга ҳаратилган шахсий

маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш тартибларини белгилайди. Ушбу муҳим ҳужжатга кўра, рўйхатга олишнинг асосий мақсади — Ўзбекистонда аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва холис ахборотни олишдан иборатдир.

Қонунда, шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш соҳасида давлат органлари ваколатлари, респондент ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тартибга солинган. Аҳолини рўйхатга олиш дастури ёши, миллати, тилларни билиши, маълумоти, яшаш шароитлари, яшаш учун маблағлар манбалари ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. Сўров давлат тилида олиб борилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар ўз она тилларида ёки бошқа эркин танланган мулоқот тилида сўровда иштирок этишлари мумкин. Рўйхатга олиш бўйича якуний маълумотлар юридик ва жисмоний шахслар учун очик бўлади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига жойлаштирилади.

**3. ДЕМОГРАФИЯ** (юн. demos — халқ ва... графия) — ҳар йили турли сабабларга кўра вафот этган аҳоли ўрнини янгидан дунёга келган авлод ҳисобига тўлдириб борилиши қонуниятларини ижтимоий-тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда ўрганадиган фан. Демографиянинг пайдо бўлиши асосан 17-асрнинг 2-ярмидан англиялик олим Ж. Граунт (1620 — 1674) тадқиқотлари билан боғлиқдир. Демография терминини 1855 йилда француз олими А.Гийар қўллаган. 1882й. Халқаро гигиена ва демография конгрессининг Женева сессиясида расмий қабул қилинган. 19-а. охири — 20-а. бошларида кенг тарқалди. Ўзбекистонда, асосан 1960 й. лардан қўлланила бошлади.

Демографиянинг мақсади муайян ҳудуд, мамлакат, дунё аҳолиси ва миллатнинг такрор барпо бўлиши жараёни ва омилларини ўрганиш, муаммоларни белгилаб, ечимларни аниқлаш ва истиқболини кўрсатиб

беришдан иборат. Демографиянинг вазифалари: демографик жараёнлар (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш, оиланинг демографик хусусиятлари, аҳолининг ёш-жинсий ва оила-вий таркиби, демографик майл) ва уларнинг омилларини ўрганиш; демографик башорат (маълум ҳудуд аҳолисининг сони, ёш-жинсий таркиби ва демографик вазияти истиқболини илмий асосланган ҳолда олдиндан аниқлаш)ларни ишлаб чиқиш; демографик сиёсат (аҳоли сиёсатининг узвий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолининг миқдорий ўсишини бошқаришдан иборат) чоратадбирларини ишлаб чиқиш. Демографик сиёсат ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг илмий асосини ташкил этмоғи лозим. Шундагина жамият ҳар томонлама мунтазам ривожланиб боради.

Демографик тадқиқот усули — статистик, тарихий таққослаш, харитаграфик, социологик, математик ва мантикий фикрлаш. Демографиянинг тахлилий методи статистикадан фарқ қилади: унда мавҳум фикрлаш усулидан кенг фойдаланиш асосида аҳоли таркибида келгусида рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳам ўрганилади. Шу жиҳатдан демографик статистика Д. нинг бир қисмидир.

Аҳоли муайян ижтимоий ҳаёт тарзига бўйсунishi туфайли, демографик жараёнлар ҳам муайян и. ч. усули ва и. ч. муносабатига боғлиқ бўлади. Аҳоли мураккаб ижтимоий ва табиий ривожланиш маҳсули бўлиб, турли омиллар заминида кўпаяди. Бу жиҳатдан Демография иқтисод, социология, геогр., тиббиёт, тарих фанлари таҳлил мавзуига яқин бўлиб, уларнинг ютуқларидан фойдаланади, айни вақтда, уларга муҳим маълумотлар беради.

Демографик жараёнларни ўрганишда жуда кўп маълумотлардан фойдаланилади. Кўпчилик давлатларда демографик маълумотлар статистика ташкилотлари томонидан тўплаб борилади. Улар аҳоли сони, таркиби ва демографик жараёнларни акс эттириб ўз ичига ушбу масалаларга оид рақамли жадвал ва диаграммали маълумотлар, илмий манбалар, социологик-демографик тадқиқотлар натижаларини олади. Дунё

миқёсида демографик маълумотларни тўплаш БМТ бошчилигида тузилган дастур асосида ўтказилади.

Демография ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум аҳолисининг кўпайиши ва ривожланиш қонуниятларини алоҳида-алоҳида ўрганади, чунки ҳар бир ижтимоийиқтисодий формацияга хос аҳоли ўсиш қонуни демографик вазиятга ҳам бевосита таъсир кўрсатади. 20-а. нинг 2-ярмига қадар Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаси нисбатан пастлиги туфайли аҳоли ўртасида ўлим юқори бўлган. Гарчи туғилиш юқори бўлса ҳам аҳоли жуда секин кўпайган. 20-а. нинг 2-ярмидан Ўзбекистонда аҳоли ўртасида ўлим бир оз камайиб, аҳолининг ўртача умр кўриши узайди. Натижада аҳолининг миқдор ва сифат ўсиши рўй берди. Шу даврда Ўзбекистонда Демографиянинг ривожланишига эътибор берилди. Демографик тадқиқотлар Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ Аҳолишунослик и. т. лаб., демография, ижтимоий геогр. ва минтақавий иқтисод, социология кафедралари, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофазани ўрганиш Республика илмий маркази, ЎЗР Фанлар академиясининг иқтисодиёт институти, Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказида олиб борилади.

Ўзбекистоннинг демографик тараққиёти, унинг хусусиятлари, омиллари ва муаммолари И. Муллажонов, Р. Убайдуллаева, М. Қорахонов, Э. Аҳмедов, О. Отамирзаев, Л. П. Максакова, А. Солиев, Ҳ. Салимов, А. Қаюмов, М. Бўриева, О. А. Эргашев, Э. Сафаров, О. Саидахмедов, Г. Муртазина, З. Х. Райимжонов, Р. К. Ортиқбоев ва б. олимларнинг и. т. ларида кенг ўрганилган. 1993 й. дан Ўзбекистонда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ўз фаолиятини бошлаган. Унинг фаолияти минтақа давлатларини, Қозоғистон ва Озарбайжонни қамраб олади. Жамғарма аҳоли саломатлиги, айниқса, аёллар саломатлигини яхшилаш борасида тадбирларни амалга оширади, мамлакатда миллий



ташкilotлар, тиббиёт муассасаларига соғлом оилани шакллантириш мақсадида кенг кам-ровли социологик-демографик тадқиқотлар ўтказди.

## **2-мавзу: Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар**

### **Режа:**

1. Демографик жараёнларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири.
2. Ўзбекистонда демографик соҳасида эволюцион жараёнлар.
3. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.

**Таянч сўзлар:** табиий ўсиш, промилле, меҳнат билан бандлик, ишсизлик, туғилиш ва ўлим

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида инновацион тенденцияларнинг таъсири ортиб бориши билан жамиятимиздаги демографик ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти йил сайин кучаймоқда. Бу жараён, авваламбор, мамлакатимиз аҳолиси миқдорининг юқори суръатлар билан ошиб бораётганлигига боғлиқдир.

Мисол учун, ўтган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистондаги табиий ўсишнинг ўртача йиллик даражаси 27-29 промиллени ташкил этган бўлса-да, бу кўрсаткичлар мустақиллик йилларидаги маълум иқтисодий-ижтимоий сабабларга кўра, 2004 йилда 14,65 промиллега тушиб кетган эди. Фақатгина 2004 йилдан иқтисодимиз ва жамиятимиздаги ижобий ўзгаришлар натижасида 2017 га келиб аҳолимизнинг табиий ўсиш даражасининг 18,15 промиллегача ошганлиги кузатилмоқда. Агар 1990 йилда Ўзбекистонда 24,3 млн. киши истиқомат қилган бўлса, бу рақам 2018 йил декабрь ойида 33,0 млн.дан зиёд кишини ташкил этяпти, яъни 35,6 фоизга кўпайди. Демограф мутахассисларнинг дастлабки маълумотларига кўра, 2050 йилга келиб ушбу кўрсаткич 46-47 миллион кишини ташкил қилади. (1-расмга қаранг).

Демографик жараёнлар, биринчи навбатда, ижтимоий-меҳнат соҳасига сезиларли таъсир кўрсатиб, миллий иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг асосий омили бўлиб, аҳолининг меҳнат билан бандлик ва ишсизлик даражасининг миқдorigа, ялпи ишлаб чиқариш аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад кўрсаткичларини, уй-жой билан таъминлаш, кексайган ёшдаги пенсия таъминоти ташкиллаштиришга бевосита таъсир этиб боради.

Демографик жараёнлар — бу аҳолининг вақт ва маконларда ривожланишини акс эттирадиган ҳодисалар бўлиб, унинг кўпайиши, ўлими, жинси ва ёш таркиби ҳамда меҳнат ресурсларининг миқдор жиҳатидан ўзгаришлари бевосита жамиятнинг ҳамда миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи ҳодиса ҳисобланади. Маълумки, жамиятдаги демографик воқеалар умумий ва муайян индивидуал тасодифий сабаблар таъсири остида амал қилади. Бу жараёндаги айрим воқеликлар вужудга келиши баъзи сабабларга кўра индивидуал ва ноёбдир, лекин демографик жараёнда улар кетма-кетлик воқеалардан иборат бўлиб, улар мунтазам равишда ўзгариб туради.

Хорижий мамлакатлардаги инновацион тенденцияларнинг таъсиридаги демографик жараёнлар етакчи мутахассислар томонидан ҳозирги даврда инсониятнинг энг муҳим ва долзарб омиллар сифатида тан олинмоқда. Ўзбекистонда ҳам кейинги йиллари бу масалалар, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳоли миқдорининг ўзгариш динамикаси, барча ҳудудларда мутаносиб жойлашуви, таркибий тузилиши кўпинча давлатимизнинг иқтисодий ривожланишининг стратегик омиллари ва унинг келажак учун ижтимоий-иқтисодий параметрларини шакллантиришига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг демографик жараёнлари ҳозирги халқаро демографик низомларга мувофиқ соғлом тарзда ривожланиб бормоқда.

Дунё тажрибасидан келиб чиқиб таъкидлайдиган бўлсак, бугунги ривожланиш даврида дунёнинг барча давлатлари каби Ўзбекистон ҳам

демографик соҳасида эволюцион жараёнларни, яъни демографик ўтишнинг муайян босқичларини кўриши муқаррардир. Маълумки, уларнинг биринчиси юқори даражадаги туғилиш ва ўлим миқдори билан боғлиқ бўлиб, кўп сонли катта оилалар ва авлодларнинг тез ўзгариши билан ажралиб туради. Иккинчи босқичда ижтимоий тараққиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлар туфайли ўлим даражаси кескин камайиши, аммо туғилишнинг юқори даражаси сақланиб қолиши билан ажралиб туради, бу аҳоли миқдорининг кескин ва назоратсиз ўсишига олиб келади. Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари сингари ўзининг демографик ривожланишида иккинчи босқичдан ўтиб, ҳозирги даврда таркибида ёш аҳоли ўсиб бориши туфайли ва умумий ўлим кўрсаткичи туғилиш даражасидан юқорироқ бўлган учинчи босқичда амал қилмоқда.

Жаҳон амалиётида демографик ривожланишнинг тўртинчи босқич ўлим кўрсаткичи туғилишдан ошиб кетиши билан ифодаланиши ва депопуляция жараёни кириб келиши билан характерлидир, яъни аҳолининг табиий ўсиши таркибида тез суръатлар билан демографик қариши туфайли аҳолининг мутлақ камайишига олиб келишини белгилаб беради. Табиийки, замонавий шароитларда депопуляция жараёни давлатнинг демографик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдид солувчи ва хавф туғдиради, чунки бу ресурсни манба жиҳатидан сезиларли даражада заифлаштиради ва меҳнат ресурслари шаклланишида ва аҳолининг иш билан бандлик даражасида бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолади. Бу жараён ҳозирги босқичда кўплаб Европа давлатлари ҳамда МДҲда — Россия, Украина, Болтиқбўйи республикаларида авж сурмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиш суръатларининг беқарор ўсмаётганлиги сабабли демографик ривожланиш ҳам нотекис ривожланмоқда. Шу муносабат билан жаҳон демографик кўрсаткичлари билан таққослаганда, Ўзбекистон табиий равишда ўсиш суръати 25 промилледан 15 промиллегача тушгани сабаб дунёнинг ривожланган мамлакатлари ўртасида ўртача кўрсаткичга эга.

Статистик маълумотларга кўра, 2000-йилларнинг бошида давлатнинг демографик ривожланишни тартибга солиш бўйича қабул қилган қонунчилик ва ташкилий чора-тадбирларига қарамасдан, туғилишнинг умумий даражаси 20,50 дан 23,66 гача фарқ қилади. Мамлакатимизда “Демографик ривожланиш давлат сиёсати”нинг ишлаб чиқилмаганлиги сўнгги 30 йил ичида аҳолини умумий рўйхатдан ўтказилмаганлиги сабаб ва Ўзбекистон аҳолиси ҳолати жиддий таҳлил қилинмаганлиги ва демографик ривожланишнинг истиқболли прогнозларининг йўқлиги, мамлакатда туғилиш даражаси оиланинг миқдор таркиби мувофиқлаштириш жараёнлари ўз-ўзидан йўқолиб кетишига олиб келди. Фақатгина 2017 йилдан бошлаб жамиятдаги оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, она ва ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган миллий урф-одатларга асосланган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатда нисбатан юқори туғилиш даражаси мавжудлиги қуйидаги ҳолатларга олиб келди: бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг 57,7 фоизини ташкил этади. Ушбу нисбатнинг кўрсаткичларига кўра, Ўзбекистон дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Демографик ривожланиш ва инновацион тенденциялар таъсирида иқтисодиётнинг тубдан таркибий ўзгаришлар натижасида меҳнат бозоридаги вазият кескинлашиб бормоқда ва яқин йилларда янада кескинлашиши аниқ.

Ўзбекистоннинг 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра 18,8 миллион меҳнатга лаёқатли ресурсларидан 14,6 миллион киши иқтисодий жиҳатдан фаол ва 4,2 миллион киши иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли тоифасига киришади. Иқтисодий фаол аҳоли сонининг 5,3 млн. киши ёки 40,2% иқтисодиётнинг расмий секторида ва 7,9 млн. кишини ёки 59,8% норасмий ишлаб чиқариш секторида ишлайди. Бу рақам Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётининг бозор тизимини чуқурлашганлиги динамик даражасининг ҳозирги ҳолатини белгилаб беради ва шу билан бирга жамиятдаги меҳнат ресурсларини саноат ва ҳудудлар миқёсида тақсимлаш ва улардан

фойдаланиш самарадорлиги, малакавий, жинсий ҳамда ёшига доир даражаси бўйича жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат бериб турибди .

Ўзбекистон иқтисодиёти олдида меҳнатга лаёқатли аҳолини бандлик даражасини ошириш учун принципиал янги, инновацион талабларига мувофиқ сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг долзарб муаммолари турибди. Мамлакатимизда истиқболда юқори даражадаги демографик босимни меҳнат бозорига салбий таъсирини эътиборга олган ҳолда иқтисодий фаол аҳолини ишга жалб қилиш борасида давлат дастурлари ва тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, республика демографик ўтишнинг учинчи босқичида, яъни ёш аҳоли таркибий тузилиши ҳисобига туғилиш даражаси ва ўлим кўрсаткичининг пастлиги билан тавсифланади. Ҳозирги пайтда аҳолимиз ўртача ёши 25,7 ёшни ташкил этади (эркаклар — 25,2, аёллар — 26,3 ёш). Аҳолининг йиллик табиий ўсиши 450-500 минг кишини ташкил этади. [3.15]. Ўзбекистоннинг меҳнат бозорини шакллантиришга таъсир қиладиган ёш таркибий тузилишининг ўзига хос хусусияти 30 ёшгача бўлган аҳолининг катта қисмини ташкил этади.

Демографик жараёнлар учун яна бир муҳим масала — Ўзбекистон аҳолиси улушида пенсионерларнинг ўрни аста-секин ўсиб бориши. Пенсия соҳасида мавжуд вазиятга таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири аҳолини иш билан бандлик кўрсаткичларида таркибий ўзгариши ҳисобланади. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига меҳнат ресурсларининг беқарор расмий соҳалардан хусусий секторга оқими кучайиши, кичик чакана савдо шаклида ифодаланган норасмий иш билан банд аҳоли ўсиши, асосан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги норасмий иш билан вақтинча банд бўлганлар ва бошқа турдаги хизмат қилаётган шахслар киради. Ушбу тоифадагилар фаолияти асосий хусусияти — меҳнат шартномалари ва ижтимоий ҳимоя кафолатларининг мавжуд эмаслиги, солиқларни мунтазам тўламаслик ва ижтимоий жамғармаларга мажбурий

ажратмалар ҳамда Республика Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тушмаётган бадаллардир.

Яқин келажакда республикада “аҳоли кексайиши“, яъни пенсия ёшидагиларнинг миқдори 2050 йилга бориб икки бараварига ошиши прогноз қилинадиган ҳамда босқичма-босқич ва узоқ муддатли бошқа демографик ўзгаришлар кутилмоқда. “Аҳолининг қариши“ демографик жараёни асосан ҳозирги 30-35 ёшдагиларнинг пенсия ёшига етиб бориши ва улар ўрнига келганлар миқдори жиҳатидан нисбий камлиги билан ифодаланади. Яъни, умр кўриш давомийлигининг сезиларли ўсиши ҳисобига эмас, балки туғилиш даражаси камайганлиги сабабли, туғилишнинг аста-секин камайиб кетиши шароитида аҳоли репродуктивлигини, туғилиш даражаси ва ўлим даражаси ва уларнинг нисбати, ёши каттароқ даврда ўлим даражасининг пасайиши билан боғлиқдир. Юқорида келтирилган демографик тенденциялар одатда аҳоли репродуктив салоҳиятига мос келади. 2000-йилларнинг бошларида туғилган болаларнинг авлоди 2023 — 2030 йиллари меҳнатга лаёқатли ёшга киради ва 1960 йилларнинг авлоди эса шу даврда “меҳнатга лаёқатли“ ёшни тарк этади. Бу салоҳиятли пенсионерлар сонининг кескин ўсишининг асосий сабаби ҳисобланади.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда, бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши давом этади (улуш 2020 йилда 10 фоизгача, 2030 йилда 13 фоиздан, 2040 йилга келиб эса 15 фоиздан кўп бўлиши мумкин). Бу ўсиш пенсия тизими ва соғлиқни сақлаш соҳасига демографик “босим“ни сезиларли даражада ошириши мумкин.

Ўзбекистонда 2000-йилларнинг бошларида пенсия тизимининг фаолияти иш ҳақининг миқдор даражаси пастлиги ва пенсия миқдори паст бўлишига қарамай, нисбатан молиявий жиҳатдан ёмон ҳолатда эмас эди. Бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига пенсия ва нафақаларни ўз вақтида кафолатли тўлаш имконини берарди. Ўша даврда 1 нафар пенсионерга 4 нафардан ортиқ ишловчи тўғри келиб, ўртача пенсия ўртача иш ҳақининг деярли 39 фоизни ташкил этди (камида 30 фоиз чегара билан).

Иқтисодиётда бозор механизмлари (инфляция жараёнлари, ишсизликнинг баланд даражаси, норасмий секторда ишчилар сонининг ўсиши) сифатида пенсия тўловлари билан боғлиқ пенсия тизимининг ташкилий ва молиявий ҳолати ҳамда қонунчилик базаси тобора кескинлашиб бормоқда.

Шундай қилиб, сўнги йиллардаги демографик тенденциялар Ўзбекистон аҳолисининг ёшига доир ўртача қариш кўрсаткичларини тезлаштиради. Бу тенденция, ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминоти тизимларининг молиявий ҳолатини истиқболда жиддий мураккабликларга дучор қилиши мумкин. Яъни, демографик ривожланишдаги умумий барқарорликка қарамасдан, Ўзбекистон барча ривожланган давлатлар сингари 2030 йилдан бошлаб пенсия жамғармаси ва соғлиқни сақлаш тизимларига ўзининг молиявий босимини хавфли кучайиши даврига кириб боради.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётимизда ва жамиятимизда қуйидаги ташкилий, қонуний ва молиявий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади:

Биринчидан, мамлакатдаги аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли даражадагилар миқдори кўп бўлишига қарамасдан уларнинг ўртача даромад миқдорлари ҳали баланд даражада бўлмаганлигини ҳисобга олиб, пенсия тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши учун институционал, қонунчилик ва молиявий механизмларни тубдан ислоҳ қилиш, шу жумладан, 2026 йилдан бошлаб пенсия ёшини (аёлларга -60, эркекларга 65 ёш) босқичма-босқич амалга оширишга киришиш зарур.

Иккинчидан, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ошиши, инновацион технологияларга хос иш ўринларини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш, ишчи ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш билан жамиятда ижтимоий-меҳнат муносабатларининг мазмун-моҳиятини сифат жиҳатидан ўзгартириш, аҳоли ҳаётининг умумий умр кўриш давомийлигини кўпайтиради. Жамиятда тиббий ва маърифий хизматларнинг сифатини яхшилаш аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий

маданиятини оширишга ёрдам беради, бу шубҳасиз аҳолининг демографик тузилмасини барқарорлаштиришга ва чакалоқларнинг туғилиш суръатларини нисбатан пасайишига олиб келади.

Учинчидан, “2050 йилгача Ўзбекистон аҳолисининг демографик ривожланиш прогнози“ни ишлаб чиқиш ва миллий маънавиятнинг тарихий анъаналари ва урф-одатлари талабларини ҳисобга олинган ҳолда “Ўзбекистон демографик сиёсати концепцияси“ни қабул қилиш, ёш оилаларнинг репродуктив саломатлигини сақлашдаги салбий тенденцияларнинг олдини олиш зарур.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда демографик жараёнларининг тезкор кузатиш учун замонавий электрон тизимни яратиш, уларнинг ҳаққонийлигини ошириш ва умум статистик шакллариغا солиш учун 2022 йилда Ўзбекистонда аҳолини умумий рўйхатдан қайта рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш зарур.

Бешинчидан, мамлакат меҳнат ресурсларининг мавжуд потенциалини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида “Ўзбекистон тармоқлари ва ҳудудлари меҳнат ресурслари баланси“ни таҳлилини қилиш ва 2050 йилгача бўлган меҳнат ресурсларининг прогнозини ишлаб чиқиш.

Олтинчидан, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион шакллари ва усуллариغا кенг ўтиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, барча олий таълим тизимини марказлаштирилган маъмурий тизимдан шартномавий ижтимоий шериклар шакллариغا ҳақиқий иқтисодиёт вакиллари (университетларнинг буюртма портфелини шакллантириш), таълим соҳасида аралаш молиявий (бюджет, контракт ва буюртма) механизмни жорий этиш зарур.



### 3-мавзу: Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.

Режа:

1. Урбанизация жараёнлари ҳақида тушунча.
2. Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида.
3. Меҳнат миграцияси.

**Таянч сўзлар:** урбанизация, глобаллашув, миграция, меҳнат миграцияси.

Урбанизация (лотинча urbanus — шаҳарлик) жамият ривожидида шаҳарлар, шаҳар маданияти ва шаҳарларга хос бошқа муносабатларнинг ривожланиш жараёни ҳисобланади. Урбанизация қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарларга айланиши, шаҳар атрофи зоналарининг кенгайиши ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб бориши ҳисобига юз беради.

Бу жараён йилдан йилга тезкорлик билан акс этиб бормоқда. Масалан, 1800 йилда дунё аҳолисининг 2 фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, 1950 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни, ҳозир эса 50 фоизни ташкил қилади. 2050 йилга бориб эса Ер шари аҳолисининг 2/3 қисми шаҳарларда яшаши кутилмоқда.

Урбанизациянинг ўзига хос ижобий ва салбий хусусиятлари борлиги барчага маълум. Лекин бу — алоҳида мавзу. Шуниси аниқки, урбанизациянинг қай даражада ижобий ёки салбий аҳамиятга эга бўлиши унинг давлат томонидан тартибга солиниши ёки солинмаслиги билан боғлиқ.

Соддароқ қилиб айтганда, агар урбанизация жараёнлари етарлича тартибга солинмаса шаҳарлар аҳолисининг сони ва у ерда мавжуд инфратузилма, уй-жой, иш ўринлари сони ўртасида катта тафовут пайдо бўлади. Бу эса, шаҳарнинг умумий қиёфасини аянчли аҳволга олиб келиши билан бир қаторда жуда кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, масалан, ишсизлик, нарх-навонинг ортиши, уй-жой танқислиги, таълим ва соғлиқни

сақлаш муассасаларининг етишмаслиги кабиларни келтириб чиқаради.

Президентнинг «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони айнан ана шу муаммоларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, урбанизация даражасини ҳар томонлама пухта ўйлаб, ақл билан тартибга солиш учун қабул қилинди.

Янги ташкил этилган Урбанизация агентлигининг асосий вазифаси ҳам айнан шу жараёнларни тартибга солишдан шундан иборат бўлади.

2. 1951 йилда ташкил этилган Миграция бўйича халқаро ташкилот миграция соҳасида етакчи ҳукуматлараро муассаса ҳисобланади, ҳукумат, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

МХТ фаолияти миграцияни регулировкалаш чора-тадбирларини тартибга солиш ва гуманизациялаш, миграция соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миграция муаммоларининг амалий ечимларини излашда кўмак бериш ҳамда мигрантларга, шу жумладан қочоқлар ва ички кўчувчиларга гуманитар ёрдам беришга йўналтирилган. МХТ Уставида қайд этилишича, миграция жараёнлари иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожланиш, шунингдек инсонларнинг ҳаракатланиш эркинлигига доир ҳуқуқи билан боғлиқ.

Ўзбекистоннинг МХТга аъзо бўлиш масаласи Ўзбекистон Ҳукуматининг расмий талабига биноан кенгаш сессияси кун тартибига киритилган эди. Ташкилот Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг одам савдоси қурбонлари ва ёрдамга муҳтож мигрантларига тўғридан-тўғри кўмак бера бошлаган 2003 йилдан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилади.

МХТ ташаббусига кўра мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форумида қабул қилинган инсон

ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларациясига киритилган. Ҳужжат матнида шундай дейилади: «Давлатлар барча мигрантларнинг, уларнинг миграция мақомидан қатъи назар, Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, муҳофаза этилиши ва амалга оширилишини таъминлашга интилишлари шарт».

3. Бугунги глобаллашув жараёнида миграция масаласи тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Маълумотларга кўра, дунёнинг турли мамлакатларида ўртача 232 миллион нафар мигрант яшайди. Уларнинг аксарияти сайёрамизнинг шимолий мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, миграция жараёни муайян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, керак бўлса, сиёсий таъсирини ўтказади. Шу боисдан ҳам миграция жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш, уни бошқариш масалалари алоҳида эътибор талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилларда ташқи меҳнат миграциясининг самарали тизимини таъминлаш борасида давлатимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлди. Шунингдек, парламентимиз томонидан “Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

18 декабрь — Халқаро мигрантлар куни . Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хорижга ишга чиқаётган фуқароларга имтиёзлар берилгани, маслаҳат марказлари ташкил этилган. Шунингдек, чет элда ишлаётган фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Корея Республикасида Ташқи

меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхонаси очилган. Россия Федерацияси ва яна бир нечта давлатда ваколатхоналарни очиш юзасидан барча ташкилий ишлар якунига етказилган.

Энг муҳими, меҳнат миграцияси масалаларини тартибга солиш, соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, чет элларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш, чет элга кетишдан олдин юртдошларимизнинг касбий маҳоратини ошириш имкониятини яратишга қаратилган “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан бу борадаги айрим муаммоларнинг қонуний ечими топилди.

#### **4-мавзу: Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар**

Режа:

1. Ўзбекистон - кўпмиллатли давлат.
2. Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби
3. Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат, унинг асосий тамойиллари.

**Таянч сўзлар:** мустақиллик, миллий ўзликни англаш, кўпмиллатлик, миллатлараро бағрикенглик, аҳоли демографияси, миллий сиёсат.

Мустақил ривожланиш йўлини танлашда республиканинг кўпмиллатлилигига катта аҳамият берилади, чунки гап Ўзбекистонда яшовчи турли миллатларга мансуб юз минглаб кишиларнинг тақдири ҳақида, уларнинг ўз мампакати равнақи йўлидаги жипслашган бунёдкорлик иши ҳақида боради. Республикада яшовчи турли-туман аҳолининг кўпчилиги учун Ўзбекистон қадрдон ватан бўлиб қолган.

Ўзбекистон тараққиётининг тақдири ҳал этилаётган ҳозирги тарихий босқичда халқнинг ахлоқ-одоб ва маънавий мезони, миллатлараро

хамжихатлиги, жипслик ва бағрикенглик, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асосий устувор вазифалари қилиб белгилаб олинди. Бу, республикадаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақиятли амалга оширилишининг, юксак ривожланган ва маданий даражаси баланд давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришининг ишончли гаровидир. СССР давлати барбод бўлиши натижасида барча собиқ иттифоқдош республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият ҳукмрон бўлиб, бу ҳолат республика аҳолисининг риважланиш жараёнлари, шу жумладан миллий таркибнинг ўзгариб боришида ўз аксини топди. Гап бу ерда аввало, совет тузумидан кейинги истисносиз барча маконларда қизғин тус олган янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда аҳолининг миграцияси соҳасида ўзига хос жараёнлар бошланганлиги ҳақида бормоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Европалик аҳолининг республикадан миграцион оқими кучайганлиги 80-йилларнинг охирларида айниқса сезиларли бўлди.

XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмига қадар республикада содир бўлаётган “суст ” миграция оқими тамойили давом этди. Бунга фақат иқтисодий сабаблар асос бўлган эди. Ўша пайтда Марказий Осиёнинг бпшқа республикалари каби Ўзбекистонда ҳам турмуш даражаси Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа ғарбий иттифоқдош республикаларга нисбатан анча паст даражада бўлган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон ҳам ўша йилларда собиқ СССР республикалари орасида охириги ўринларни эгаллаб турар эди.

Бу минтақадаги алоҳида демографик вазият муайян аҳамиятга эга бўлган. Бу ердаги туб жой аҳолисининг табиий кўпайиши, четдан кўчиб келган аҳолидаги табиий кўпайишга нисбатан уч- тўрт баробар ортиқ эди. 80-йилларда СССРдаги иқтисодий танглик кучайган шароитда нафақат туб жой аҳолиси борасида, балки Ўзбекистондаги европалик аҳоли орасида ҳам ишсизлик муаммоси пайдо бўлди. Бу муаммо юқорида қайд этилган

иқтисодий ҳолат билан бирга республикадан кўчиб кетишга сабаб бўлган кучли омил бўлди.

Бироқ, 80-йилларнинг охирига қадар Ўзбекистон билан мамлакатнинг бошқа республикалари ўртасидаги миграцион айирбошлаш давом этиб келди. Чунончи, 1982 йилда Ўзбекистонга яшаш учун 88,6 минг киши келган бўлса, 94,6 минг киши бу ердан кўчиб кетди, 1985 йилда 113,9 минг киши бу ерга келган бўлса, 1)4,4 минг киши кўчиб кетди, 1986 йилда 132,2 минг киши келди, 143,1 минг киши кетди. Шундай қилиб мазкур йиллардаги салбий сальдо 6,0 минг, 0,5 минг ва 10,9 минг кишини ташкил этди.

Шу йилларда кетувчиларнинг сонигина эмас, келувчиларнинг сони ҳам кўпайганлигига эътибор бериш зарур. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг ташқи миграцияси ҳажми анча ошди.

Шундан кейинги йилларда ҳам бу тамойил сақланиб қолди. Жумладан, 1988 йилда республикадан 213,6 минг киши, яъни

1980 йилдагидан 1,19 минг киши жўнаб кетди, 164,8 минг киши, яъни 1980 йилдагидан 6,2 минг кўп киши бу ерга келди. Ушбу йилларда кўчиб кетганлар сони 2,2 баробардан зиёд, кўчиб келувчилар сони қарийб 9 баробар кўпайди, аҳолининг ташқи миграцияси ҳажми эса 2,1 баробар ортиб, 1988 йилда 378,4 минг кишини ташкил этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда Ўзбекистонга нисбатан яқинда келган, республика шарт-шароитига ўргана олмаган ўзга этносларга мансуб гуруҳларнинг вакиллари кўпроқ кўчиб кетди. Шундан кейин, айниқса, СССР парчаланиб кетганидан сўнг шу ерда туғшиб-ўсган, уй-жойга, ишга, муайян ижтимоий мавқега эга бўлган шахслар ҳам миграция жараёнларига қўшилдилар. Илгари ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар кўчиб кетишнинг асосий сабаби бўлган бўлса, кейинги пайтда кўчиб кетувчиларга маънавий, руҳий ва миллий мулоҳазалар сабаб бўлди.

80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон аҳолисининг ташқи миграцияси кўламлари тўғрисида қуйидаги рақамлар тасаввур беради. Беш-олти йил (1985-1990 йиллар) мобайнида ҳаммаси бўлиб республикадан 1

миллиондан ортиқ киши кўчиб кетган бўлса, 715 мингга яқин киши кўчиб келди. Шундай қилиб ташқи миграция ҳажми 300 минг кишини ташкил этди. Шу йилларда ҳар йили ўрта ҳисобда 50 минг аҳоли бу врдан кўчиб кетди.

Кейинги 90-йилларда бу рақам икки баробар ортиб, йипига ўрта ҳисобда 70-80 минг кишини ташкият этди.

Кейинчалик Ўзбекистон аҳолисининг ташқи миграцияси ҳажми қисқариб борди, бу ҳолат кейинги йилларда айниқса сезиларли бўлди. Республикага келувчилар сони кескин камайиши бундай қисқаришнинг асосий сабаби бўлди. Ўзбекистон аҳолиси миграциясининг салбий сальдоси шу кунгача анча юқори даражада турибди.

1994 йилда республика аҳолисининг миграцион камайиши энг юқори даражада кўтарилиб 141,2 минг кишини ташкил этди. Шу йили республикадан 179,2 минг киши кўчиб кетган бўлса, 38,0 минг киши кўчиб келди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибидаги ўзгаришлар аввало, республикадан миграцион оқим билан биринчи навбатда русийзабон аҳоли — руслар, украинлар, белоруслар, европалик ва ўрта осиелик яҳудийлар, шунингдек татарлар ва қрим татарларнинг кўчиб кетиши билан боғлиқдир. 80-йиллар охирлари — 90-йиллар бошида немислар ва месхети турклари ҳам оммавий равишда кўчиб кетдилар.

Ўзбекистон аҳолисининг ташқи миграциясида европалик аҳоли асосан руслар, татарлар, яҳудийлар, қрим татарлари, украинлар, немислар асосий кўпчилиқни ташкил этади.

Кейинги йилларда Марказий Осиёнинг қўшни республикаларидан ўзбеклар ва Тожикистондан тожиклар доимий яшаш учун республикага кўчиб келмоқдалар.

Ўзбекистон аҳолиси ташқи миграцияси ривожланишининг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлари республика мустақил ривожланишининг ҳозирги босқичида аҳолининг миллий таркиби шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳозирги Ўзбекистоннинг миллий таркиби эса қуйидаги

жадвалда ўз аксини топган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда славян аҳолиси ва четдан келган бошқа аҳоли вакиллари — руслар, украинлар, белоруслар, татарларнинг сони ва салмоғи сезиларли равишда камайиб бормоқда. Бу ҳодиса миграциянинг натижасигина бўлиб қолмай, балки аҳолининг мазкур гуруҳида туғилиш камлигининг ҳам оқибатидир.

Айни вақтда ўзбек, тожик ва бошқа туб жой аҳолисининг сони юқори суръатлар билан ошиб бормоқда. Ўзбекистон аҳолиси умумий сонидан уларнинг улуши ошиб, европалик миллатларнинг салмоғи кескин тарзда камайиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда Ўзбекистон миллий таркибида республиканинг асосий миллати

— ўзбекларнинг улуши 79,2%га, тожикларнинг улуши 4,9%га етди. Республикада татарларнинг улуши кескин камайиб 1,1%га, украинларнинг улуши эса 0,4%га тушиб қолди.

Ҳозирги вақтга келиб яҳудийлар, шу жумладан Ўрта Осиё яҳудийлари, месхети турклари, қрим татарлар, немислар, латишлар, эстонлар ва бошқалар Ўзбекистондан ўз тарихий юртларига тўла-тўқис кўчиб кетдилар.

Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибининг мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланган бу тамойиллари, келгусида ҳам бирмунча мўътадил тарзда давом этаверади.

Мустақиллик шароитида республиканинг асосий миллати бўлмиш ўзбекларнинг зиммасига миллатлараро тинчликни сақлашдек катта масъулият тушди-ки, улар бу синовдан шараф билан чиқдилар. Бу ҳол кўп ўзбек халқининг, уларнинг қон-қонига сингиб кетган бағрикенгликнинг натижасидир.

Мустақил Ўзбекистон миллий сиёсатининг энг асосий қоидалари қуйидаги тарзда эълон қилинди:

— миллати, ирки, диний эътиқодидан қатъий назар республика барча фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги;

— шахснинг устуворлиги ва жамиятдаги ижтимоий адолатни



белгилайдиган инсон ҳуқуқларининг бошқа барча ҳуқуқлардан устунлиги;

— кам сонли миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларига эътибор билан қараш, уларнинг тили, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, уларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, шунингдек эркин ва ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

— ҳар бир оиланинг, ҳар бир инсоннинг миллатидан қатъий назар ижтимоий ҳимояланишини таъминлайдиган юксак даражада ривожланган, ижтимоий соҳага йўнаптирилган бозор иқтисодиётига таяниш;

— миллатлараро муносабатлардаги низоли вазиятларни ижтимоий-сиёсий асосда тинч йўл билан ҳал этиш.

Бу мақсадга эришиш осон йўл бўлмай, баъзи бир муаммолар мавжуд бўлиши табиий бўлсада, таъкидлаш жоизки, бу соҳада Ўзбекистонда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, миллатлараро муносабатлардаги зиддиятпар жамиятдаги белгиловчи ҳолат бўлиб қолмаслиги, нотолерантлик кишилар феъ-атворидаги одат бўлиб қолмаслигига эришмоқ керак.

Кўпмиллатли жамиятда бағрикенглик, ўзаро ишонч ва ҳурмат — миллатлараро ҳамжиҳатнинг пойдевори, мамлакатдаги халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Миллат ва элатларнинг бағрикенглиги, ўзаро ҳурмати — жамият маданиятлилик даражасининг кўрсаткичи, давлатдаги миллатлараро тотувликнинг асоси ва шу билан бирга келгусидаги муваффақиятли ривожланишнинг энг муҳим шarti ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ва миллатлараро ҳамжиҳатлиги тўғрисидаги, Ўзбекистон — унда истиқомат қилувчи барча халқларнинг умумий уйи ҳақидаги баёни, республикамизнинг тегишли расмий ҳужжатлари ва аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади”, — дея таъкидланади Конституцияда.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, давлат ва жамиятнинг сиёсий тузилиши, тизимини белгилайдиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган, халқаро қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга жавоб берадиган ва халқнинг тарихий тажрибасига мос келадиган Конституция — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатни қарор топтириш ва ривожлантиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатидир. Уни тайёрлаш ва қабул этишда Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, ирқи, миллати, қайси динга мансублиги, тили, туғилган жойи, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланиши кераклиги қатъий равишда ҳисобга олинди.

Айрим суверен давлатлардан фарқли ўлароқ бизнинг мамлакатимизда инсоннинг ҳаётий муҳим халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳужжатларида тан олинган асосий ижтимоий-иқтисодий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари камситишга дучор қилинмайди.

Юқорида таъкидланган жиҳатларни эътиборда тутиб шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда юқорида санаб ўтилган ижтимоий соҳаларда салбий ҳодисаларни рўй бериши учун ҳеч қандай асос йўқ, чунки республикада фуқаролик тўғрисида, аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинганки, уларда фуқароларнинг туб жойпи миллатга мансуб бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари бошқалар билан бирга фуқароликка эга бўлиш, озод меҳнат, эркинлик, машғулот ва иш турини танлаш каби ҳуқуқлар билан таъминланади.

Бинобарин, Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим тамойили амалда рўёбга чиқарилади, яъни миллий, ижтимоий ва диний озчиликларни бостириб туриш эвазига давлат суверенитети учун курашни цивилизацияли кураш деб ҳам, ҳуқуқий кураш деб ҳам тан олиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси парламенти таркибида 15 миллат ва элат

вакилларининг иштирок этиши, ҳуқуқий тенглик тамойилининг яққол ифодаси ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият таркибидаги ижтимоий институт — Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили барча миллат фуқаролари манфаатларини ҳимпя қилади Унинг ҳузурида фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш бўйича комиссия тузилган. Мазкур тузилмалар ва умуман давлат, ҳуқуқий миллий ва диний бағрикенглик сиёсатини амалга оширишда қадимий тарихий анъаналар, халқаро тажрибага таяниб, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси онгини ўзга миллат вакилига нисбатан дўстона муносабат руҳида тарбиялашга, миллатлараро адоватга йўл қўймасликка, ётсирашни бартараф этишга, одамлар ўртасидаги муносабатларга инсонпарварлик ғояларини сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон миллий сиёсатининг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат: миллатлар ва элатларни жипслаштириш; ҳар бир халқ, шунингдек ҳар бир шахсни эркин демократик танлаш асосида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини сўзсиз тан олиш; суверенитет тамойиллари, шу жумладан барча фуқароларнинг эркин миллий ривожтаниш ҳуқуқини ҳаётга тадбиқ этиш; инсон ҳуқуқлари бошқа барча ҳуқуқлардан устунлигини тан олиш.

Республикадаги барча миллий масалага доир масалалар демократик, конституциявий асосда ҳал этилади. Кўп миллатли Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг узлигини қайта тикланиши учун зарур ҳуқуқий негиз яратилган. Мустақиллик йилларида халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун қулай шарт-шароитлар юзага келди. Эндиликда миллатига қараб камситиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар Ўзбекистонда демократия ва ҳуқуқий давлат тамойилларига зид бўлган ўта салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Бу эса ўз навбатида республика халқларининг давлат сиёсати асосидаги бирлигини таъминлайдиган объектив иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар вужудга келишига кўмаклашади, ҳар бир халқнинг суверен ҳуқуқларини амалга ошириш асосида миллатлар ва элатларни

жипслаштиришга ёрдам беради. Худди шу боис Ўзбекистонда ҳеч бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари ирқий ёки миллий сабабларга кўра камситиши қонунан ман этилиб, бундай ноҳўя ҳатти-ҳаракатлар қонунга кўра жиноий жазога тортилади.

Умуммиллий хавфсизликка солинаётган ана шу ва бошқа баъзи таҳдидларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб миллий мустақилликни кўпорлишга, давлатни заифлаштириш ва ҳатто барбод қилишга, фуқароларни сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишга олиб боради ҳамда жамиятнинг бунёдкорлик имкониятларини йўққа чиқаради.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-Мавзу:** Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар фанига кириш (2 соат)

**Режа:**

4. “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
5. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлар.
6. Тарихий демография – демографик жараёнларни ўрганувчи фан сифатида.

**2-Мавзу:** Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар (2 соат)

4. Демографик жараёнларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири.
5. Ўзбекистонда демографик соҳасида эволюцион жараёнлар.
6. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.

**3-Мавзу:** Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари  
(2 соат)

4. Урбанизация жараёнлари ҳақида тушунча.
5. Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида.
6. Меҳнат миграцияси.

**4-Мавзу:** Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар  
(5 соат)

4. Ўзбекистон - кўпмиллатли давлат.
5. Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби.
6. Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат, унинг асосий тамойиллари.

## IV. КЕЙСЛАР

### Кейс-методини амалга ошириш босқичлари:



#### 2-кейс учун мавзу

Истилочилар босқини ва ўлка худудига халқларнинг кўчиб келишининг Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнларга таъсири қандай? Мисоллар келтиринг.

#### 3-кейс учун мавзу

Сиз фаолият олиб бораётган олий ўқув юртида миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар бўйича тажрибаларни ўртоқлашинг, таклиф ва тавсиялар билдиринг.

#### **4-кейс учун мавзу**

Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнларнинг замонавий қиёфаси ҳақида фикрларингиз қандай?

#### **5-кейс учун мавзу**

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари нималардан иборат. Тарихий-демографик жараёнларни қиёсий таҳлил этинг.

#### **7-кейс учун мавзу**

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришларни аҳмиятини қандай баҳолайсиз.

#### **8-кейс учун мавзу**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан янги босқичга кўтариш истиқболлари ҳақидаги фикрларини асосланг.

#### **9-кейс**

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ва инсон капиталини ривожлантириш масалаларини илмий асосланг.

## V. ГЛОССАРИЙ

Тушунчалар	Уларнинг шархи
<b>Этнос</b>	(юнонча <i>ethnos</i> — қабила, элат, халқ) — одамларнинг маълум бир тарихий даврда ва ижтимоий тузумда таркиб топган алоҳида барқарор ижтимоий гуруҳи ёки уюшаси бўлиб, ҳудуди, маданияти, типиди, ҳўжалик турмуш хусусиятлари муштарак бўлади, ўзининг бирлиги ва бошқа шунга ўхшаш уюшмалардан фарқини англайди, яъни ўзлигини биледи ва ўз номига зга бўлади.
<b>Ассимиляция</b>	(лотинча <i>assimilatio</i> ) — ўхшашлик, айнанлик, қўшилиш, ўзлаштириш маъноларини билдиради. Бир халқнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари ва бошқа хусусиятларини йўқотиб, иккинчи халққа қўшилиб кетиши. Тарихдаги ассимиляция жараёнларида қўпинча маданий ривожланиш жиҳатидан илғор бўлган миллат устун бўлиб чиққан ва уларга қўшилган миллатлар мазкур миллатнинг маданияти ва тилини, урф одатларини қабул қилган. Этник ривожланиш. қўшилиш. Интеграция. Плюрализм. Сегрегаия сўзларига ҳам қаранг.
<b>Геноцид</b>	(юнонча <i>genos</i> — уруғ, қабила ва лотинча <i>caedo</i> — ўлдираман) — халқаро жинойтларнинг бир тури: ирки, миллати, дини, этник таркибига кўра, аҳоли гуруҳларини ёппасига ёки қисман жисмонан қириб юборишга қаратилган жинойт. БМТ Бош Ассамблеясининг геноцид жинойтларининг олдини олиш ва уларни амалга



	<p>оширганлик учун жазолаш тўғрисидаги конвенциясига (1948) кўра, геноцид каттик қораланди, айбдор шахсларга нисбатан халқаро жинойий жавобгарлик белгиланди. Йокчилик. Апартеид сўзларига ҳам қаранг.</p>
<b>Дискриминация</b>	<p>(лотинча <i>diskriminatio</i> — фарқлаш) — давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларининг (бошқа давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларига нисбатан) чекланиши. Жамиятдаги алоҳида гуруҳлар ва шахсларга нисбатан муомалада уларнинг тенглигини инкор қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ва феъл-атвор тушунилади.</p>
<b>Интеграция</b>	<p>(лотинча <i>itegratio</i> — тиюгаш, тўлдириш, бир бутун қилиш) — ўзига хос жараён бўлиб, унинг натижасида турли элементлар бирлашади, аммо ўзининг асосий белгиларини сақлаб қолади. Уюшмани ҳосил қилувчи гуруҳларнинг уюшма бирлигига зиён етказиши мумкин бўлган хусусиятыаридан ташқари барча тафовутларини тугатиш ёки бир хилликка эришиши талаб қилинмайди. Интеграция барча фуқаролар учун ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятларнинг тенглигини кафолатлайди. Ассимиляция. Этник ривожланиш. кушилиш. Плюрализм. Сегвегаия сўзларига ҳам қаранг.</p>
<b>Озчилик</b>	<p>— давлат аҳолисининг асосий қисмига нисбатан сон жиҳатдан озчиликни ташкил этадиган, устун мавқени эгалламайдиган гуруҳ</p>

	<p>бўлиб, унинг аъзолари бўлган шу давлат фуқаролари этник, дин ёки тил нуқтаи назаридан асосий аҳоли хусусиятларидан фарқ қилади, ўз маданияти, анъаналари, дини ёки тилини сақлаб қолиш мақсадида, билвосита бўлсада, асосий аҳоли билан бирдамлик туйғусини изҳор этади. Айрим гуруҳлар муайян мамлакат аҳолиси нуқтаи назаридан озчиликни ташкил қилса ҳам, аммо бошқа мамлакатларда ёки мамлакатнинг муайян қисмида кўпчиликни ташкил қилиши мумкин.</p>
<b>Сецессия</b>	<p>(лотинча <i>secessio</i> — кетаман) — ўз ҳуқуқлари учун курашнинг ўзига хос усули. Бир ёки бир неча тизимдаги сиёсий арбоблар аввалги сиёсий бирлашувдан воз кечиб, ўз хайрихоҳликлари, умидлари ва сиёсий фаолиятини мавжуд марказдан бошқа тарафга ўзгартириши, ўз марказига бутун диққат- эътиборни қаратиши тушунилади. Сиёсий интеграцияга ҳам қаранг.</p>
<b>Кўшилиш</b>	<p>(маданий кўшилиш) — икки ёки ундан кўпроқ маданият бирлашиб аввалгиларидан фарқ қиладиган янги маданиятни ҳосил қишиши. Кўшилиш ҳам жараён, ҳам натижа сифатида маданиятларнинг тенглигини акс эттиради. Ассимиляция. Интеграция. Плюрализм. Сегрегация. Этник ривожланишга ҳам қаранг.</p>
<b>Суверенитет</b>	<p>(французча <i>souverainete</i> — олий ҳокимият) — ҳокимиятнинг устунлиги ва мустақиллиги. Давлатнинг инсон ва фуқаро ҳуқуқларига риоя этиш, миллий озчиликларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қилиш</p>

	асосида ўзининг ички ва ташқи сиёсатини ташқаридан ҳеч бир аралашувсиз, мустақил белгилаш хусусияти ва қобилияти тушунилади.
<b>Этник ривожланиш</b>	— туб жой халқларининг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, ўз маданиятига эга бўлган халқнинг жамият сифатида мустаҳкамланиши ва жипслашишини, унинг ўз тараққиётини бошқариш учун мустақил қарорлар қабул қила олиш қобилияти воситасида маданий ва иқтисодий ривож/юна олишга қодирлигини билдиради. Ассимиляция. Интеграция. Плюрализм. Сегрегация. кушилиш сўзларига ҳам қаранг
<b>Этноним</b>	— маълум тарбия олган ва аниқ ижтимоий тил муҳитига кирган инсоннинг дунёга шахсий муносабатини акс эттиради. Ҳар авлоднинг ҳаёт сабоқлари (натижалари) тилда сақланади. Ўз она тилини ўзлаштириш жараёнида ҳар бир янги авлод барча олдинги авлодларнинг фикр ва ҳиссиётларини ўзида мужассамлаштиради.
<b>Этатим</b>	(фран. этат — давлат, грек. ним — этика) — халқлараро мулоқот, миллий муаммоларни тадқиқ этадиган жамиятшунослик этикаси. Барқарорлик (ижтимоий, жамиятдаги) — тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳити қатъи, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муқим шароит. Барқарорлик ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятининг замини ва зарурий шартидир.
<b>Байналмилалчилик</b>	(Интернационализм; арабча “байналмилала” — миллатлараро) — жаҳондаги барча миллат ва элат тенглиги, ҳамжихатлиги назарияси ва

	амалиёти.
<b>Глобаллашув</b>	(глобализация) — лотинча “глоб” сўздан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув ” , “курралашув ” деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, Ер куррасининг фан- техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, куррага айланиши тушунтириш учун ишлатилади.
<b>Интеграция</b>	(лотинча “integrario” — ўзаро мослашиш ва бирлашиш) — миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашиши, бир- бирларига ўзаро таъсир этиши жараёнининг кучайиши.
<b>Менталитет</b>	(лотинча “mens” — ақл, идрок) — жамият, миллат, бирлик ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм- русумлар, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.
<b>Миллат</b>	(арабча “миллат” — халқ) — кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихдан ташкил топган бир қарор бирлиги.

	<p>Миллат маълум худудда барқарор яшаб, тарихий тараққиёт давомида ривожланиб келган кишиларнинг маънавий-руҳий бирлигининг вужудга келиши асосида шаклланади.</p>
<b>Миллатчилик</b>	<p>— капитализм даврида жаҳоннинг мустамлакалар ва метрополиялар, қолоқ ўлкалар ва илғор давлатлар, озод халқлар ва мустабидлик исканжасидаги халқларга бўлиниб кетишига қарши курашувчи демократик, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар кучярдан фарқли ўлароқ, бу зиддиятларни ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим.</p>
<b>Толерантлик</b>	<p>(лотинча “tolerantia” — чидамлилик, багрикенглик, сабр-тоқатлилик, ён бериш) — бошқа динлар, ижтимоий тартиблар, миллий ва диний урф-одатлар, ўзга диний ва сиёсий қарашлар, эътиқодлар ва турмуш тарзига нисбатан сабр-бардошлилик, чидамлилик, боадаблик, андишалик бўлиш маъноларини англатади.</p>
<b>Шовинизм</b>	<p>(франц. “chauvinisme”) — ашаддий миллатчилик, миллий устунлик ғояси ва сиёсатининг ифодаси. XIX аср бошларида Францияда пайдо бўлган “шовинизм” атамаси (Наполеон Бонапарт босқинчилик урушларининг ёрқин тарафдори оддий аскар И. Шовеннинг номидан келиб чиққан), эндиликда миллий экстремизмнинг намоён бўлиши маъносида ҳам ишлатилмоқда.</p>

## VI. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаъул бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.

19. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.

20. Баҳадиров Р.М. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском востоке Т.2000
21. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
22. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.
23. Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
24. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
25. Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. / А.Холлиев таҳрири остида. – Тошкент: Университет, 2010.
26. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
27. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
28. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
29. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
30. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
31. Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
13. Матёқубов Х.Х. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент. 2017.
32. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.



33. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Узбекистон тарихи. Дарслик. –Т.: Янги аср авлоди. 2005 (лотин алифбосида).
34. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Узбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. Академия, Т.-2010.
35. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
36. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
37. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
38. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
39. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
40. Ўзбекистон тарихи Дарслик II жилд. Муаллифлар жамоаси. - Т.: Янги аср авлоди, 2015й.
41. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртлирида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
42. Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.
43. Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz so’z, 2017.
44. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.
45. Эшов Б.Ж., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача. –Т.: Янги аср авлоди, 2014.
46. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
47. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

48. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.
49. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.
50. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.
51. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.
52. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.
53. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.
54. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
55. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
56. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
14. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
57. Grant E. A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
58. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
59. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
60. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
61. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
62. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance //

International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>

63. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p. 193.

15. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

64. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.

65. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).

66. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).

67. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.

68. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).

16. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.

#### **IV. Интернет сайтлар**

69. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

70. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

71. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

73. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти: <http://www.edu.uz/modules/wfchannel>

74. “Халқсўзи” газетаси – [www.info XS. Uz](http://www.infoXS.Uz).

75. “Туркистон” газетаси – [www.turkistonsarkor. uz](http://www.turkistonsarkor.uz).

76. “Маърифат” журнали – [wwwma'rifat – inform.](http://www.ma'rifat-inform.com)
77. “Жамият ва бошқарув” журнали – [wwwrzultacademyfreenetuz.](http://www.rzultacademyfreenetuz.com)
78. “Мозийдан садо” журнали – [www moziy dostlink. Net](http://www.moziydostlink.net)
79. [karsu.uz](http://karsu.uz)-Қорақалпоқ давлат университети сайти

Qaraqalpaq mámleketlik universiteti janındaǵı Pedagog kadrlardı qayta tayarlaw hám olardıń qánigeligin jetilistiriw aymaqlıq orayınıń tariyx qánigeligi tınlawshılarına arnalǵan “Ózbekstanda tariyxıy demografyalıq processler” moduli boyınsha oqıw –metodikalıq kompleksine

### SIN

Qaraqalpaq mámleketlik universiteti “Ózbekstan hám Qaraqalpaqstan tariyxı” kafedrası docenti, t.i.k. M. Seytimbetov tárepinen “Ózbekstanda tariyxıy demografyalıq processler” moduli boyınsha dúzilgen oqıw–metodikalıq kompleksi jumıs baǵdarlaması, moduldı oqıtıwda paydalanılatuǵın interaktiv tálim metodları, teoriyalıq materiallar, ámeliy sabaqlar sıpatlaması, glossariy, test sorawları hám paydalanılǵan ádebiyatlar diziminen turadı.

Moduldıń jumıs baǵdarlaması mámleketlik tálim standartlarına sáykes islep shıǵılǵan. Onda házirgi waqıtta bunday hújjetlerge qoyılatuǵın barlıq talaplar esapqa alınǵan bolıp, bul moduldıń oqıw rejesindegi ornı hám áhmiyeti, modul boyınsha tálim nátiyjeleri, yaǵnıy tınlawshılardıń kurs juwmaqlanǵanda kórsetuwi kerek bolǵan bilimleri, kónlikpeleri hám kompetenciyaları anıq berilgen. Moduldıń baǵdarlaması 8 saat lekciya, 10 saat ámeliy, ulıwma 18 saat auditoriyalıq sabaqlarǵa mólsherlenip dúzilgen.

Moduldıń teoriyalıq bóliminde oqıw procesin shólkemlestiriw hám onıń sapasını támiyinlewdiń innovaciyalıq metodları haqqında bilimler beriwdi názerde turadı. Sonday-aq, bul bólimde tınlawshılardıń Ózbekstan aymagındaǵı demografialıq processlerdiń tiykarları, patsha Rossyası ham sovet imperyası dawirinde, ǵarezsizlikke eriskennen keyingi jıllardaǵı demografyalıq processler haqqında teoriyalıq maǵlıwmatlar beriw rejelestirilgen.

Moduldıń ámeliy sabaqlar bóliminde tınlawshılardıń oqıw procesiniń metodikalıq támiyinleniwi, ámeliy sabaqlar rejesi, paydalanatıuǵın ádebiyatlar dizimi, olardı tayarlaw kónlikpelerin rawajlandırıw jollari, keys tapsırmalar berilgen.

Oqıw–metodikalıq kompleks óz ishine bul moduldı oqıtıwda qollanılatuǵın innovaciyalıq texnologiyalar, lekciyalardıń prezentaciyaların, modul boyınsha glossariy, test sorawları, paydalanılǵan ádebiyatlar hám internet resursların qamtıp aladı.

Modul materialları joqarı sıpatta tayarlanǵan bolıp, tariyxshı qánigelerdı tayarlawda paydalanıwǵa boladı deb esaplayman.

QMU “Ózbekstan hám Qaraqalpaqstan tariyxı” kafedrası professorı, t.i.d:

